

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **19-20-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(935-936)**
ТЎПЛАМИ **2020 йил**
25 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

198. «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 майдаги ЎРҚ-616-сон Қонуни
199. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

200. «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ–5992-сон Фармони

201. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармони
202. «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ–5996-сон Фармони
203. «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони
204. «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ–4709-сон қарори
205. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПҚ–4710-сон қарори
206. ««Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 майдаги ПҚ–4712-сон қарори
207. «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 майдаги ПҚ–4715-сон қарори
208. «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПҚ–4716-сон қарори
209. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПҚ–4717-сон қарори
210. «Ҳудудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПҚ–4718-сон қарори
211. ««Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 майдаги ПҚ–4720-сон қарори

212. «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 майдаги ПҚ-4721-сон қарори
213. ««Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ходиса оқибатида жабрланган фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани тиклаш чора-тадбирларини молиялаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 майдаги ПҚ-4722-сон қарори

Бешинчи бўлим

214. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 апрелдаги 2020-12-сон «Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3234*)
215. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 24 апрелдаги 3-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-1*)
216. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 1 майдаги 6-сон «Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2718-1*)
217. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 20 апрелдаги 147-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёғнинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 11 майдан 22 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

198 «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»**ги ЎРҚ-296-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2011 йил, № 9, 249-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **номидаги** ва **1-моддадаги** «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **илованинг:**

белгиланишидаги ва **номидаги** «доимий прописка қилиниши» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2 ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига ёки хусусий мулки бўлган бошқа уй-жой майдонига.

3. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) болалар — васий (ҳомий), тутинган ота-она доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига»;

4-бандидаги «доимий прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 майда эълон қилинган.

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Эр (хотин) — хотини (эри) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонида»;

6-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «доимий пропискага эга бўлган» ва «бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш» деган сўзлар тегишинча «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» ва «бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида»;

9, 10 ва 11-бандларидаги «мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **11'-банд** билан тўлдирилсин:

«11'. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат ҳокимияти органларида, давлат бошқаруви органларида, хўжалик бирлашмаларида ва бошқа давлат ташкилотларида беш йил мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари), шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган болалари)»;

изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

1. Мазкур Рўйхатнинг 2 (бундан хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган фарзандлари ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳидан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалар мустасно), 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, башарти Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилса, амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ҳоллар мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 май,
ЎРҚ-616-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

199 **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 7 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 майда эълон қилинган.

11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **52-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди»;

2) **91-модда:**

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт:

1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш;

2) тинтув;

3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

4) тергов эксперименти;

5) шахсни ушлаш;

6) ҳимоячидан воз кечиш;

7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш»;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда тўртинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ушбу Кодексда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади»;

3) **217-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланган процессуал мажбурлов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, уй қамоғига ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг кўчирма нусхаси ишга илова қилинади»;

4) **224-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳозирлигида тузилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади. Мазкур қоида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган биносида амалга ошириладиган ушлаб туришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шахсни ушлаш видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намойиш қилиш орқали таништирилади.

Шахсни яланғочлаш билан боғлиқ шахсий тинтувни видеоёзув орқали қайд этиш тақиқланади.

Ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш баённомасига процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиб, видеоёзув материаллари баённомага қўшиб қўйилади.

Агар ушланган шахс иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари унга таржимон иштирокида биринчи сўроққа қадар тушунтирилиб, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади»;

5) 225-модданинг биринчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши, унда қўйидагиларни кўрсатиши керак:

1) баённома тузилган жой ва вақтни;

2) ушбу шахснинг кимлиги, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатларда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушланганлигини;

3) ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлигини;

4) ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга қайси вақтда олиб келинганлигини;

5) шахсий тинтув қилиш ва олиб қўйиш натижаларини (улар ўтказилган бўлса);

6) ушлашнинг видеоёзув орқали қайд этилганлиги (у ўтказилган бўлса), ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятларини. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш вазифаси топширилган ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб, тасдиқлайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 май,
ЎРҚ-617-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

200 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида*

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилан-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 майда эълон қилинган.

ган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислох қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш;

кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислох қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш;

етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республика ягона молия тизимининг ўзаро тўлдирувчи қисми сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш.

2. Қуйидагилар:

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага* мувофиқ белгилансин:

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

банк тизими активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;

банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятлари улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

халқаро молия институтлари қўмагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотишни назарда тутиш;

банк тизимини ислох қилиш даврида аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизминини («лойиҳалар фабрикаси») кенг жорий қилиш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида «Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖ, «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталларида давлат улушини сақлаб қолиш;

айрим банкларнинг фаолиятини диагностика қилиш ва молиявий аҳолини баҳолаш асосида, меъёрий талабларидан ҳамда уларни қайта ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни консолидациялаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида вазирликнинг тасдиқланган штатлар сони доирасида Давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларига маслаҳатчи сифатида халқаро консультантларни жалб қилиш;

тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масалаларида халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги 2024 йилдан кечиктирмай Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки дастури (FSAP) асосида молиявий сектор ҳолатини баҳолашни ўтказиш чораларни кўрсин.

7. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан банкларнинг, шу жумладан кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш фаолиятига аралашиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг банклар фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашувига йўл қўймаслик қисми ижро этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини бошқариш бўйича кенгаш таркибига мустақил аъзоларни киритиш орқали уни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сон қарорига 1-илованинг 1 — 3-позициялари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 май,
ПФ-5992-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**201 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

2016 — 2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми — 171,2 фоизга, жумладан мева-сабзавотчилик — 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари — 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 177,5 фоизга ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 млн тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикада етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Республикада Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) халқаро стандарти талаблари бўйича сертификатланадиган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 майда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хом ашёси етиштириш ҳамда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага* мувофиқ;

Республика ҳудудларида агроэкотуризм жозибадорлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторанлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги зарурий маълумотларни олиш;

органик маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш ҳукуқи берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш органик стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекизоқиқовқатҳолдинг» холдинг компанияси, Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини;

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетида «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш» йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқсин ва 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйсин;

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) бир ой муддатда вазирлик тузилмасида белгиланган штатлар доирасида 4 та штат бирлигидан иборат органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин;

д) 2021 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларида мавжуд лабораторияларни замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозласин ва бирламчи органик уруғ етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйсин;

е) 2020 йил 31 декабрга қадар Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кредит маблағлари ҳисобидан «Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази» давлат унитар корхонаси қошида Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ комплекс синов лабораторияси мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни етиштириш (ишлаб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга ҳамда органик уруғчиликни ривожлантиришга йўналтирилган беш йиллик давлат илмий-техник дастурларини ишлаб чиқсин ва лойиҳаларни танловлар асосида шакллантирсин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Кодекс Алиментариус Комиссияси стандартлари талабларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан савдо фаолиятини жадаллаштириш бўйича 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурлари режасини ишлаб чиқсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар ISO 28000 Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари халқаро стандартлари серияларини қабул қилсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларида бажариладиган жараёнларни ISO 28000 «Етказиб бериш занжирида хавфсизликни бошқариш тизимлари» халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда органик маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича халқаро тажрибада қўлланилаётган усуллар ва воситалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда экспортга йўналтирилаётган органик маҳсулотлар-

ни зарарсизлантириш ишларининг халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
ПФ-5995-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

202 Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбир- корлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида*

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябригача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинсин:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, майший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 майда эълон қилинган.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларига қўйидаги суммаларни ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонларига асосан фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари.

3. Тадбиркорлик субъектларига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддати 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йилнинг 1 майидан 1 июлигача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизости товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади.

5. Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини чакириб олсин.

Микрофирма ва кичик корхоналарга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-4701-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ресурслари ҳисобидан яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит ажратилиши бўйича ўтказилаётган эксперимент Тошкент шаҳрига татбиқ этилсин.

7. 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгун-

га қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилсин.

8. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан қўйидаги фоиз харажатларини қоплашга компенсация бериш тарзида тадбиркорликни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:

тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 барабаридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, Жамғарма тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида;

2020 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида 10 фоизлик пункт миқдориди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил коронавирус пандемияси даврида тақдим этилган имтиёзлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши устидан мониторинг ўрнатсин ва қонун бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (зарурият бўлганда) солиқ имтиёзлари берилиши ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши натижасида олинмай қолинадиган даромадлар муносабати билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан субсидиялар ажратсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
ПФ-5996-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**203 Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) зиммасига қуйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин:

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш;

барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш;

фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш;

қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларга етказиш қўламини кенгайтириш, бу борада тармоқ вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

давлат бошқаруви тизимининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси ўрнининг яхшиланишига тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий омиллар юзасидан фундаментал ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказилишини таъминлаш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 майда эълон қилинган.

адлия органлари ва муассасалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда давлат хизматларини рақамлаштириш орқали «виртуал адлия» тизимини ишга тушириш.

Вазирлик мазкур бандда келтирилган қўшимча вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. Қўйидагилар:

2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясини 2020 — 2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил этган ҳолда мазкур концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

3. Вазирлик 2020 йил якунига қадар шу жумладан қўйидаги асосий мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришилишини таъминласин:

Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун лойиҳалари сифатида қабул қилиш орқали уларнинг улушини 20 фоизга етказиш;

давлат бошқаруви тизимини функционал таҳлил қилган ҳолда вазирлик ва идораларнинг камида 10 та функцияларини нодавлат секторга ўтказиш бўйича таклиф киритиш;

2018-2019 йилларда янги (қайта) ташкил қилинган 8 та вазирлик ва идоралар фаолиятини ўрганиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бойдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини;

электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 12 фоизга етказиш;

аҳолига Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган янги хизматлар сонини 15 тага ошириш;

нодавлат нотариат шаклига айлантирилган давлат нотариал идораларининг улушини 95 фоизга етказиш;

29 та қонуности ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарлик ва санк-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ция нормаларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли қонунларга киритилишини таъминлаш.

4. Вазирлик амалга ошириладиган маъмурий ислохотларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини мониторинг қилиш, ушбу соҳада вазирлик ва идоралар ваколати ва функцияларининг тўлиқ ва сифатли амалга ошириладиганлиги ҳамда белгиланган мақсадларга эришиладиганлигини функционал таҳлил қилиш бўйича ваколатли орган деб ҳисоблансин.

Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ Вазирлик:

янги (қайта) ташкил қилинган вазирлик ва идоралар, шу жумладан улар таркибидаги алоҳида ташкилотларга (агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқалар) юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали амалга ошириладиганлигини улар янги (қайта) ташкил қилинган кундан бошлаб камида 6 ой ўтгандан сўнг ўрганади;

мазкур ўрганишларга тегишли масалага тааллуқлилигидан келиб чиқиб, бошқа вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб қилишга ҳақли;

ўрганиш натижалари бўйича асослантирилган таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади;

маъмурий ислохотлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган янги ташаббусларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан инobatга олиниши мажбурий бўлган ҳулосалар беради;

вазирлик ва идоралар, шу жумладан улар таркибидаги алоҳида ташкилотларнинг (агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқалар) вазифа ва функциялари амалга оширилишининг самарадорлиги кўрсаткичларини (индикаторларини) баҳолайди ва натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида муҳокама қилиш учун умумлаштирилган ҳисобот, шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларига (индикаторларига) эришмаган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклиф киритади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан ташкил қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирликнинг 2020 йил 1 июлдан бошлаб:

хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солинишини тақиқлаш;

жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг фақатгина қонунлар билан ўрнатилишини белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгиловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўймаслик;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни Вазирликда мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий ҳулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ва кучга кириш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Қуйидагилар:

Қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқий жавобгарлик ва санкция белгилловчи нормаларини қайта кўриб чиқиш дастури 4-иловага* мувофиқ;

Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш режаси 5-иловага* мувофиқ;

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2020 йил 1 июлдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда концептуал жиҳатдан янги механизмларни яратишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи «пакет» принципи жорий қилинсин:

янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва кучга киради;

янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этганда, илгари қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади;

вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритади;

Вазирликка Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади, бунда улар айнан бир хил масалада ва техник кўринишда бўлиши лозим.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилсин (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шунингдек, унификация қилишни назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бундан мустасно);

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тариқасида, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб эса тўлиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

* 4 — 6-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Вазирлик марказий аппарати тузилмасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги директори лавозимини сақлаган ҳолда адлия вазири ўринбосари — Интеллектуал мулк агентлиги директори лавозими тугатилсин;

б) Тошкент давлат юридик университети ректори лавозимини сақлаган ҳолда адлия вазири ўринбосари — Тошкент давлат юридик университети ректори лавозими тугатилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосарлари лавозимлари киритилсин;

г) бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида:

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси;

Маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси ташкил этилсин.

10. Вазирликнинг давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳри ва Қарши туманида эксперимент тариқасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказларини (кейинги ўринларда — Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари:

бюджетдан молиялаштириладиган туман (шаҳар) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

тегишли ташкилотда қонун ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Вазирлик эксперимент натижалари асосида 2021 йил 1 январга қадар ушбу тизимни республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифларни киритсин.

11. Вазирлик ҳузуридаги «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси, «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти давлат унитар корхонаси ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Вазирлик қошида давлат муассасаси шаклидаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ:

аҳоли ва ижрочиларга жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини расмий эълон қилиш соҳасида республиканинг етакчи давлат муассасаси ҳисобланади;

таркибидаги «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти амалдаги хизмат кўрсатиш соҳаларини сақлаб қолган ҳолда фаолият юритади ва ўз маблағлари ҳисо-

бидан молиялаштирилади, ушбу маблағларнинг етишмаган қисми эса Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларни қабул қилувчи барча вазирлик ва идоралар уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириш учун Вазирликка техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатларнинг тақдим этилишини таъминласин.

Вазирлик 2021 йил 1 январга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириш ишларини тўлиқ якунласин ва натижаси ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

13. Вазирлик:

а) 2020 йил 1 июлдан бошлаб идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғини қабул қилиш амалиётини бекор қилсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга давлат реестри орқали уникал рақам берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилишини;

б) вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида қонун ҳужжатлари ва мазкур Фармонда кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борилишини;

в) бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ва «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳалари киритилишини;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда:

тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган, шу жумладан адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 май,
ПФ-5997-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 19 майдаги
ПФ-5997-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва
муассасаларини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

2020 — 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сон қарорига асосан адлия органлари ва муассасалари тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилайди.

**2-боб. Адлия органлари ва муассасалари тизимини
ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) фаолиятининг асосий мақсади замонавий ҳуқуқий тизимни яратиш, ҳуқуқий давлатнинг илғор стандартлари ва тамойилларини жорий этиш, давлат бошқарувининг самарали моделига ўтишни ҳуқуқий таъминлашдан иборат.

Концепция қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутди:

ягона давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва давлат бошқаруви тизими самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш;

маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

интеллектуал мулк соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий ахборотни тарқатиш бўйича изчил манзилли ишларни ташкил этиш орқали аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи нотариат, адвокатура ва бошқа тузилмалар тизимининг самарали ишлашини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, ҳалқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни фаоллаштириш;

замонавий таълим стандартларига мувофиқ юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

суд экспертизаси сифатини изчил яхшилаш;

инсон капиталини ривожлантириш, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини яратиш;

худудий адлия органларининг роли ва фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада ошириш.

1-§. Ягона давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳар қандай тартибга солишнинг аралашуви асосли, оқилона ва етарли сабабларга эга бўлишини таъминлаш.

Янги тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиш бизнес ҳамжамияти, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли ва жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва таҳлил қилингандан сўнг амалга ошириш.

Норматив хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий аниқлиги ва прогнози давлат ҳуқуқий сиёсатининг энг муҳим тамойилларига айланиб, бу асосда давлат органлари ва мансбдор шахсларнинг фаолиятини баҳолаш.

Ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг комплекс ёндашувини жорий этиш.

Қонунчилик мажмуасини тизимлаштириш, «тартибга солувчи гильотина» усулини қўллаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштириш ҳамда қонуности ҳужжатларини қисқартириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишни синчков, кенг қамровли ва танқидий таҳлил асосида амалга ошириш.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ex-post (кейинги) таҳлилини ўз ичига олган қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини ўрнатиш.

Илмий лингвистик экспертиза механизмларини шакллантириш ва изчил такомиллаштириш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши, гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг институционал, илмий ва услубий асосларини яратиш ва такомиллаштириш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фаолиятнинг инновацион усулларини норма ижодкорлиги жараёнига жорий этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини янада такомиллаштириш.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг ортқча юкини бартараф этиш орқали «ақлли тартибга солиш» моделини ва стандартлаштирилган таҳлил методологиясини жорий этиш.

Фуқаролик қонунчилиги нормаларини энг илғор хорижий амалиётлар билан уйғунлаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартларни жорий этиш.

Фуқаролик қонунчилиги институтларини ривожлантириш ва тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасидаги хусусий-ҳуқуқий муносабатларга тартибга солишнинг аралашувини минималлаштириш мақсадида тартибга солувчи ва диспозитив нормаларнинг ўзаро ҳуқуқий экспертизасини йўлга қўйиш.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш, бу борада Вазирлик тизимида ҳуқуқий, институционал ва методик асосларни мустаҳкамлаш, жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини фаол жалб этиш ҳисобига уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.

2-§. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва давлат бошқаруви тизими самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини мунтазам равишда ҳар томонлама функционал ўрганиш асосида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда илғор услубларни жорий этиш.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ягона ахборот маконини яратиш асосида адлия органлари фаолиятида давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ҳар томонлама танқидий таҳлил қилишнинг энг яхши тажрибаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг ҳуқуқий мониторинги тизимини татбиқ этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг қонун ҳужжатлари мақсадларига мувофиқлигини текшириш ва қонун ҳужжатларида уларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишига тўсқинлик қиладиган камчиликларни аниқлаш.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида таклифларни аниқлаш ва ишлаб чиқиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш услубиётини яратиш.

Тадбиркорлар ўртасида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар тўғрисида сўровлар ўтказиш, хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг долзарб масалалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш орқали тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш — қорхонани рўйхатдан ўтказишдан тортиб уни тугатишгача бўлган барча зарур маълумотларни тақдим этувчи махсус интерфаол «Advice for business» юридик порталини яратиш.

Иқтисодиётга маъмурий таъсирни янада камайтириш, тартибга солиш, шунингдек, айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3-§. Маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий принциплари ва нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш.

Адлия органлари ва муассасалари маълумотлар базаларини босқичма-босқич рақамлаштириш, давлат хизматларини эса электрон шаклга ўтказиш ҳамда «виртуал адлия» тизимини жорий этиш.

Ахборот туридаги давлат хизматларини, жумладан, маълумотномаларни автоматик тарзда, навбатсиз ҳамда ариза расмийлаштирмасдан (масалан, мобил алоқа орқали USSD сўрови билан) олиш тартибини жорий этиш.

Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, ҳудудлар ва умуман мамлакат миқёсида юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ва муносиб жавоб бериш учун самарали ахборот алмашиш тизимини шакллантириш, хизматларни олувчилар билан муносабатларни бошқаришни автоматлаштириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада кенгайтириш.

Бизнес жараёнларини қайта бошқариш усулларида (Business Process Reengineering, BPR) фойдаланган ҳолда барча давлат хизматларини тақдим этиш жараёнларини оптималлаштириш, тартиб, муддатлар ва зарур ҳужжатларни максимал қисқартириш билан талабларнинг долзарблигини таҳлил қилиш.

Давлат органлари ва ташкилотларига ўзининг давлат хизматларини кўрсатишида BPR ўтказишида услубий ёрдам бериш.

Аҳолининг Интернет, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, мобил иловалар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш.

Кўрсатилган фаолият турлари учун махсус рухсатнома олиш талаби-

ни бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларни ўрнатган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини босқичма-босқич қисқартириш.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари марказлари инфратузилмасини доимий равишда такомиллаштириш, хизматларни рақамлаштириш, Давлат хизматлари марказлари ҳудудида дам олиш хоналарини яратиш орқали навбатларни қисқартириш.

Давлат хизматлари учун ягона платформани ишлаб чиқиш, барча масъул давлат идораларини ушбу платформага улаш.

Фуқароларнинг давлат хизматларидан коникиш даражасини ҳар йили ўрганиб бориш орқали давлат хизматларини такомиллаштирувчи янги йўналишларни ишлаб чиқиш.

Экстерриториал тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш, шунингдек, улардан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, масофадан фойдаланиш имкониятини бериш.

Электрон давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича аҳолининг саводхонлигини ошириш.

Давлат хизматлари соҳасидаги фаолият стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (ахборот тизимларини интеграциялаш стандарти ҳамда техник стандартлар).

Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш.

Ижтимоий аҳамиятга эга давлат хизматларини автоматлаштириш.

4-§. Интеллектуал мулк соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси қўшилган интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар мажбуриятларини бажариш бўйича вазифаларнинг ижросини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро шартномаларга қўшилиши масалаларини ўрганиш ва кейинчалик уларга қўшилиш бўйича таклифларни тайёрлаш.

Интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган интеллектуал мулк тизимини модернизация қилиш (Patent Trolling).

Замонавий ИТ-ечимлар ва аутсорсинг усулларида фойдаланиш орқали интеллектуал мулк объектлари экспертизасини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.

Интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатлари бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш чораларини кучайтириш.

Муаллифлик ҳақини тўлашни давлат бошқарувидан эркин тартибга босқичма-босқич ўтказиш.

Фуқароларнинг интеллектуал мулк соҳасига ҳурматини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тарғибот сиёсатини олиб бориш.

Интеллектуал мулк соҳасида давлатлараро ва идоралараро алоқаларни мустаҳкамлаш.

Интеллектуал мулк фанларини кадрлар тайёрлаш тизимига, жумладан, республика ўқув муассасалари, малака ошириш марказларида жорий этиш.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) билан ҳамкорликда технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари (ТИҚМ) тармоғини кенгайтириш.

5-§. Ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий ахборотни тарқатиш бўйича изчил манзилли ишларни ташкил

Ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларни фаоллаштириш.

Жамиятда ва давлат хизматчилари орасида муаммоларни фақат ҳуқуқий воситалар асосида ҳал қилиш зарурлиги ҳақидаги ғояни тарғиб қилиш.

Аҳолининг турли қатламлари (фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар, турли соҳалардаги тадбиркорлар, ота-оналар, мактаб ўқувчилари, абитуриентлар, талабалар, ишчилар, иш берувчилар ва ҳ. к.) кундалик ҳаётидаги кенг тарқалган муаммоларни, шу жумладан, суд таҳлиллари орқали мақсадли тарғибот қилиш амалиётини жорий этиш.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлик даражасига нисбатан алоҳида минимал талабларни ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳоли билан бевоқифа ишлайдиган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ошириш, шунингдек, асосан фуқаролар билан ишлайдиган давлат хизматчилари учун психологик тренинглар ўтказиш механизмини жорий этиш.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ва «Ҳуқуқ ва бурч» журналининг электрон шаклини яратиш ва нашрларнинг босма кўринишини сақлаб қолган ҳолда уларни етакчи ҳуқуқий ахборот ва таҳлилий веб-сайтларга айлантириш.

Ижтимоий тармоқлар орқали оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, унда, журналистлар ва блогерлар билан доимий қайта алоқалар, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, сохта маълумот тарқалишининг олдини олиш ва бошқа мавзуларда семинарлар ташкил этишни назарда тутиш.

Ҳуқуқий тарғиботнинг энг замонавий ва самарали усулларида фойдаланган ҳолда, шу жумладан, «Street law» дастурини оммалаштириш орқали ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича турли ижтимоий қатламлар билан мақсадли иш олиб бориш.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали доимий қайта алоқани таъминлаш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини аҳолига етказиш тизимини босқичма-босқич шакллантириш, «Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир» деган ҳаётий ғояни фуқаролар онгида мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва қўшимча ҳуқуқий ахборотга кириш тизимини (юридик лугат, юридик адабиётлар электрон платформаси, қонун ҳужжатларини муҳокама қилиш учун онлайн форум ва бошқалар) ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет порталини такомиллаштириш.

Оммавий ахборот воситалари ва Интернет тизимида мултимедиа материаллари ва дастурларини тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун ахборот марказини ташкил этиш.

Ҳуқуқий мавзулар бўйича маълумотларни ёритишга ихтисослашган журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

Вазирликлар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва самарали ижро этишини баҳолаш мезонларини яратган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш механизмларини такомиллаштириш.

Lex.uz тизимидан фойдаланувчилар аудиториясини кенгайтириш ва аҳолига ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш самарадорлигини ошириш учун зарур замонавий моддий-техник база ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг дастурий таъминотини яратиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мутахассислар ва кенг жамоатчиликка етказиш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳ ва тушунтиришлар тайёрлаш ва тарқатиш орқали етказиш механизмининг такомиллаштириш.

6-§. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш

Жамоатчилик назорати механизмлари орқали нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат органлари билан ҳамкорликда ёрдам бериш бўйича ишларни кучайтириш.

Аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини акс эттирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизимини янада такомиллаштириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва кейинчалик уларни тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун ҳужжатиға унификация қилиш.

Қуйи, ўрта ва ундан юқори даражадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини амалға ошириш механизмини, шунингдек, уларнинг ушбу соҳадаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат органлари томонидан ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажариши учун давлат ижтимоий буюртмасини бериш сони ва ҳажмини ошириш чораларини кўриш.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятиға ноқонуний аралашиш ва уларнинг ҳуқуқлари бузилиши элементларига эға бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида доимий мониторинг олиб бориш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятиға ноқонуний аралашганлик учун жавобгарликни жорий этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Юристлар малакасини ошириш марказида уларнинг даврий касбий ривожланиш амалиётинийўлга қўйиш учун ихтиёрий семинарлар ва ўқув курсларини ташкил этиш.

Адлия органлари ходимларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан бевосита алоқасини чекловчи электрон алоқани босқич-ма-босқич жорий этиш.

7-§. Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тизимининг самарали ишлашини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш

Иқтисодий, оилавий, мерос, уй-жой ва бошқа низоларнинг олдини олишда нотариусларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш амалиётини кенгайтириш.

Нотариусларнинг нодавлат шакллари институтини изчил ривожлантириш.

Аҳолиға нотариал хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш.

Мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш пайтида коммунал тўловлар ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича қарздорликни текшириш талабини бекор қилиш.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги судгача бўлган жараёнда далилларни тақдим этишға ва медиатор вазифаларини бажаришға қаратилган янги нотариал ҳаракатларни жорий этиш. Низоларни ҳал қилишда медиация институтини кенгайтириш, шунингдек, медиаторлар сонини кўпайтириш.

Фуқаролик-ҳуқуқий низосиз талабларни кўриб чиқиш бўйича ваколатларни нотариусларға бериш орқали судьяларнинг иш юкламасини камайитириш.

Ягона электрон нотариал архив фондини шакллантириш ва идоравий нотариал архивларда сақланадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг вужудға келишини таъминловчи битимларни рақамлаштириш.

Соҳага замонавий инновацион, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, масофадан туриб электрон кўринишда тақдим этиладиган нотариал хизматлар рўйхатини кенгайтириш. Аэропортларда ва темир йўл станцияларида, бошқа жамоат жойларида онлайн тарзда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга имкон берадиган инфокиоскаларни жойлаштириш.

Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ ва нотариал идоралар фаолиятини баҳолаш ва мониторингини ташкил этишни аутсорсинг орқали консалтинг фирмаларининг вакиллари иштирокида амалга ошириш.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, бунда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий талаблар асосида модернизация қилиб бориш.

Нотариат соҳасида қонун ҳужжатларини оптималлаштириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун қабул қилиш.

Халқаро институтлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, хусусан, Халқаро нотариуслар иттифоқида қўшилиш орқали лотин нотариал моделининг халқаро стандартлари ва илғор тажрибаларини имплементация қилиш.

Адвокатура институтини ривожлантириш, жумладан суд процессида тарафлар тортишуви ва тенглигининг таъминланиши, одил судлов тизимини такомиллаштириш, мамлакатда халқаро стандартлар ва замонавий тенденцияларга жавоб берадиган адвокатура тизимини яратиш, адвокатуранинг институционал асослари ва фаолият принципларини мустаҳкамлаш, адвокатнинг процессуал мақомини кучайтириш ва унинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга қаратилган комплекс чоралар кўриш.

Давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, кам таъминланган (кам даромадли) ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифадаги фуқаролар учун жиноий, маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича давлат томонидан бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш.

Адвокатура институти фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг барқарорлигини таъминлаш учун адвокатлик соҳасидаги мавжуд қонун ҳужжатларини, шу жумладан, қонуности ҳужжатларини оптималлаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қилувчи жамланган қонунни қабул қилиш.

Юридик хизматлар бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва миллий юридик фирмаларнинг, шу жумладан, нуфузли халқаро (хорижий) юридик фирмаларнинг Ўзбекистон Республикасида филиалларини очиш орқали рақобатдошлигини ошириш чораларини кўриш.

Фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг нодавлат тизимини ривожлантириш чораларини кўриш.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари таҳлили асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш.

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб

чиқиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратнинг замонавий усуллари жорий этиш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Давлат органлари ва ташкилотларида қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида маълумот ва материалларни тўплаш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

**8-§. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва
янада мустаҳкамлаш, халқаро ва хорижий ташкилотларда
Ўзбекистон манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни
таъминлаш**

Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан ҳамкорликни, шунингдек, хорижий донорлар билан алоқаларни фаоллаштириш.

Халқаро экспертлар иштирокида адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун хорижий амалиёт, семинар ва ўқув курсларини ташкил этиш ишларини кучайтириш.

Вазирликнинг хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан шартномавий ҳуқуқий базасини кенгайтириш масаласини ўрганиш, шунингдек, халқаро ҳуқуқий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Ваколатли органларнинг компетенцияларини аниқлаган ҳолда халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлар ва сўровларни ўз вақтида, самарали ва сифатли кўриб чиқиш чораларини кўриш.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятнинг ҳуқуқий хабардорлик даражасини ошириш бўйича ишларни фаоллаштириш.

Халқаро рейтинг агентликлари, айниқса, ҳуқуқий соҳага оид агентликлар билан яқин ва конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Вазирликка бириктирилган Халқаро рейтинг ва индекслар тузувчи ташкилотлар, Жаҳон банкининг тадқиқот гуруҳи (World bank Development Research Group), Жаҳон одил судлов лойиҳаси (The World Justice Project), «The Economist Intelligence Unit» компанияси (Буюк Британия) билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро рейтинглар ва индексларда-

ги Ўзбекистон мавқеига таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш.

Халқаро нуфуз ва ишончни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлик фаолияти соҳасида халқаро стандартларни (хусусан, ISO 37001 (порахўрликка қарши кураш бошқарув тизими) ва бошқалар) жорий этиш.

Тегишли ташкилотларда малака оширишни ташкил этиш орқали халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этадиган Вазирлик ходимларининг даврий малакасини ошириш амалиётини йўлга қўйиш.

Инвестицияларни жалб қилишга қаратилган битимларни (шартномаларни) ишлаб чиқиш жараёнида низоларни судгача ҳал қилишнинг альтернатив механизмларидан фойдаланиш, шу жумладан, Халқаро савдо палатасининг Талабига асосан кафолатларнинг ягона қоидаларига (URDG) мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилиш чораларини таъминлаш, шунингдек, низоларни тортишувга қадар медиация институти орқали ҳал этилишига эришиш.

Мамлакатда ўтказилаётган халқаро ҳуқуқий форумларнинг, хусусан, «Tashkent Law Spring» халқаро ҳуқуқий форуми кўламини кенгайтириш, нуфузи ва жозибадорлигини ошириш.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни ва натижаларини объектив баҳолай оладиган янги авлод экспертлар ҳамжамиятини шакллантиришга кўмаклашиш.

Халқаро арбитражларда ва хорижий давлатлар судларида Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини ташкил этишнинг ягона тартибини белгилаш.

9-§. Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг юқори синфлари учун белгиланган муддатларда «Ҳар кунлик ҳуқуқ» йўналиши бўйича дарсликлар яратиш ва нашр этишни ташкил этиш.

Юридик ўқув юртларида дарс беришга давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек халқаро (хорижий) юристларни жалб қилиш.

Вилоятларда жойлашган юридик коллежларнинг «Электрон таълим» миллий тизимига қўшилишини ташкил этиш чораларини кўриш.

Республикадаги барча юридик коллежларда коучинглар, турли хил махсус фаолият турларини ўзлаштириш ишларини малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳақиқий ҳуқуқ амалиётига кириштиш.

«Юриспруденция» йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисликлари ва касблари рўйхати таҳлили асосида юридик коллежларнинг битирувчилари ишлаши мумкин бўлган лавозимлар рўйхатини кенгайтиришни таъминлаш.

Ўқитишнинг инновацион усулларини жорий этиш, меҳнат бозорида

талаб қилинадиган кадрлар тайёрлаш учун юридик коллежларда замонавий педагогик ва ахборот технологиялари кўламини кенгайтириш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик коллежлар ўқитувчиларининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, тажрибали ўқитувчиларни танлаш самарадорлигини таъминлаш.

Ҳуқуқнинг турли соҳаларида, шу жумладан, юридик таълимнинг янги, кам ўрганилган, аммо амалда талаб юқори бўлган соҳалардаги жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига жавоб беришини таъминлаш.

Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш ҳамда хорижий юридик адабиётларни ўзбек тилига таржима қилинишини таъминлаш.

Тошкент давлат юридик университетини (кейинги ўринларда — университет) халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, унинг миллий рейтингдаги ўрнини юксалтиришни таъминлаш.

Юридик таълим соҳасига «Электрон университет» платформасини жорий қилиш.

Университетнинг қамрови ва кўламини кенгайтириш орқали олий юридик таълим олиш имкониятларини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикасида юриспруденция соҳасида хорижий олий ўқув юртларининг филиалларини очиш.

Ҳуқуқий таълим соҳасида хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, шу жумладан халқаро университетлар ва ҳуқуқ ассоциацияларига қўшилишни ташкил этиш.

Университетдаги ўқув жараёнига судлар, ички ишлар органлари, прокуратура, божхона ва солиқ идоралари, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлайдиган юристларни жалб қилиш.

Тажриба алмашиш ва университет битирувчилари икки томонлама диплом олиш шарт-шароитларини яратиш мақсадида юридик таълим соҳасида илғор хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Ўзбек ҳуқуқи ва халқаро савдо ҳуқуқи йўналишидаги «Ҳуқуқ», «Бизнес менежменти» бакалавр йўналишлари бўйича Буюк Британиянинг ҳуқуқ университети (Ulaw) билан биргаликда Тошкентда Халқаро ҳуқуқ университетини очиш ва ривожлантириш.

Хўжалик бошқаруви ва бошқа ташкилотлар ўзга соҳа мутахассислари учун Юристлар малакасини ошириш марказида юридик ўқув дастурлари жорий этилишини таъминлаш.

Юридик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда юқори малакали ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида хорижий давлатлар билан келгусидаги ҳамкорликни ўрнатиш.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда (IT-ҳуқуқ, юристларга бух-

галтерия ҳисоби ва ҳ. к.) ҳуқуқий муаммоли саволларни аниқлашга қаратилган ҳар йили ўтказиладиган тизимли таҳлил асосида ҳуқуқшуносларни амалиётга йўналтириш ҳамда малакасини оширишнинг янги дастурларини, шу жумладан, масофавий ўқитишнинг жорий этилишини таъминлаш.

Вазирлик тизимидаги ходимлар, адвокатлар ва юридик хизмат ходимлари учун ўқув дастурларини қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда мавзуларни долзарблигини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб бориш.

10-§. Суд экспертизаси сифатини изчил яхшилаш

Замонавий талаблар ва илғор халқаро тажрибани, шунингдек, халқаро стандартларни (ISO 17025) ҳисобга олган ҳолда Вазирликнинг суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизаларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

Суд экспертизаси амалиётига янги инновацион ишланмаларни жорий этиш, эксперт тадқиқотларининг турлари, хусусан, суд-психологик ва суд-электротехник экспертизалари, озик-овқат маҳсулотлари суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш.

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг моддий-техник базасини одам ДНК сининг суд-биологик экспертизаси, ҳужжатларнинг криминалистик суд-экспертизаси, суд-баллистик ва трасология экспертизаси, суд-фонографик экспертиза ва бошқа лабораторияларни янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш орқали мустаҳкамлаш.

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида суд экспертизасининг долзарб масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш.

Суд экспертизаси соҳасида, шу жумладан, ихтисослаштирилган нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ривожлантириш орқали кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш.

Суд-экспертлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Бутунжаҳон суд экспертлари ассоциациясига (IAFS) аъзо бўлиш.

11-§. Инсон капиталини ривожлантириш, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини яратиш

Адлия органлари ва муассасалари тизимида малакали кадрларни жалб этишга йўналтирилган рекрутментнинг янги усулларини (онлайн рекрутмент, актив хедхантинг) жорий этиш.

Адлия органлари ва муассасалари тизимида HR-менежмент тизимини жорий этиш, бу билан Вазирликнинг ижобий имиджини яратган ҳолда, кадрларни сақлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш.

Вазирликда кадрлар малакасини ошириш тизимидаги ўзгаришларни кузатиб бориш, меҳнат бозорида ишчи кучининг ривожланиш тенденциялари-

ни ва унга қўйиладиган сифат ва миқдорий талабларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек, ходимлар нуқтаи назаридан — уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда моддий ва номоддий рағбатлантиришнинг тўғри тизimini яратишга қаратилган кадрлар маркетинги тизimini жорий этиш.

Персонални бошқариш тизимида кадр контроллинг тизimini ривожлантириш (ўзини ўзи назорат қилиш тизими).

Ходимларнинг профессионаллигини, сезгирлигини ва янгиликларга мослашишига қаратилган жамоани ижтимоий ривожлантириш (стресс-менежмент, тайм-менежмент, тимбилдинг ва бошқалар).

Ходимларни баҳолаш тизimini такомиллаштириш, жумладан Вазирлик тизимида ассесмент-марказини яратиш ҳамда KPI тизimini жорий этиш.

Ходимларга иш ҳақини тўлашнинг янги усулларини (ходимлар фаолияти самарадорлигининг рейтинг тизими, идоровий рағбатлантириш дастурлари ва бошқалар) жорий этиш.

Коррупцияга қарши комплаенс тизimini самарали жорий этиш бўйича чора-тадбирларни, шу жумладан, Вазирликнинг коррупцияга қарши сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун «ҳалоллик офицери» лавозимини жорий этиш.

Ижро интизомида илғор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда адлия органлари ва муассасаларида ҳисобот тизimini янада ислоҳ қилиш.

Электрон ҳужжат айланиши тизимида инсон омиллари иштирокисиз статистик ҳисоботларни шакллантиришни автоматлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ички хавфсизликни таъминлашга жавобгар бўлган таркибий бўлинмани ташкил қилиш.

Ахборот тизимидан махфий маълумотлар (DLP тизими) тарқатилишининг олдини олиш учун замонавий технологияларни жорий этиш, лицензияланган дастурий таъминотни ўрнатиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Адлия ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкиллаштириладиган халқаро ва миллий илмий форумлар, симпозиумлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган Конвенция марказини, шунингдек, замонавий соғлиқни сақлаш марказини қуриш.

Адлия ходимларини спорт ва кўнгилочар тадбирларга, спорт кунларини ташкил этишга кенг жалб қилиш.

Омбор логистика жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими, шунингдек, қурилиш жараёнини масофадан бошқариш ва омбордаги барча асосий иш жараёнларини автоматлаштиришни таъминлайдиган меҳнат ресурсларини самарали бошқариш тизimini жорий этиш.

12-§. Ҳудудий адлия органларининг роли ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириш

Туман (шаҳар) адлия бўлимлари фаолиятини таъминлашда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг мустақиллигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган «проактив усуллар»нинг самарали механизмларини жорий этиш.

Адлия идораларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти, давлат органлари ва ташкилотлари бўлинмалари фаолиятида қонун талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва баҳолаш масканларига айлантириш.

«Давлат ҳокимияти органлари қарорларини электрон рўйхатга олиш тизими»ни яратиш орқали туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёни тўлиқ ишлашини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 19 майдаги
ПФ–5997-сон Фармониغا
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг
айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон Фармонининг 3-бандида:

бешинчи хатбошидаги «қарорларини» сўзи «норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини таъминлаш»;

еттинчи — саккизинчи хатбошилар саккизинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ–5577-сон Фармонининг 1-банди «б» кичик бандида:

саккизинчи хатбошидаги «ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказилган» сўзлари «тасдиқланган» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ-203-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-иловининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Важнейшими задачами общественно-правового журнала «Хуқуқ ва бурч» являются:

освещение проблем углубления реформ правовой системы, совершенствования законотворческой деятельности, законодательства в различных областях государственного и общественного строительства с учетом приоритетных направлений демократического обновления общества, модернизации и реформирования страны;

регулярная публикация аналитических материалов по актуальным темам, подготовленных исследователями, проводящими научные исследования в социально-правовой сфере;

организация обсуждения проблем совершенствования правоприменительной практики, деятельности судов по осуществлению правосудия, обеспечению надежной защиты интересов и прав граждан;

публикация материалов, посвященных актуальным проблемам повышения эффективности деятельности правоохранительных органов;

освещение опыта зарубежных стран по совершенствованию законотворческой деятельности и правоприменительной практики, актуальных проблем развития международного права в условиях глобализации.

В журнале вводятся следующие постоянные рубрики: «Судебно-правовая реформа», «Судебная практика», «Новости в законодательстве», «Трибуна специалиста», «Нормотворчество: комментарий, анализ, мнение» и др. Журнал предназначен для работников юстиции, судей и прокуроров, ученых, специалистов, преподавателей, студентов высших и средних специальных юридических учебных заведений, а также для широкого круга лиц, интересующихся вопросами юриспруденции.

Учредителем журнала является «Национальный центр правовой информации «Адолат» при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. Журнал будет издаваться ежемесячно на узбекском языке. Тираж определяется исходя из потребности»;

б) 2-иловининг 2-бандида:

«Главные учредители журналов» устуни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Государственное учреждение «Национальный центр правовой информации «Адолат» при Министерстве юстиции Республики Узбекистан»;

«Примерный тираж» устуни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Определяется исходя из потребности».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сон қарорида:

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Адолат» ҳуқуқий ахборот марка-

зи ДУКга» сўзлари «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2932-сон қарорининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, ТДЮУ ректори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига тенглаштирилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш»;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «163» рақами «178» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

8-бандда:

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси»;

тўққизинчи хатбошидаги «ДУК» қисқартмаси «давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш»;

10-бандда:

1-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз роя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиради»;

учинчи — йигирма еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини» сўзлари «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказди»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви тизимининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради»;

2-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш соҳасида:

давлат бошқарувининг тегишли соҳаларида маъмурий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир ўтказётган тизимли муаммо ва камчиликларни таҳлил қилади;

давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини комплекс ва тизимли мониторинг қилади;

давлат органлари ва ташкилотлари ваколати ва функцияларининг тўлиқ ва сифатли амалга оширилаётганлиги ҳамда белгиланган мақсадларга эришилаётганлигини функционал таҳлил қилади;

таҳлил ва мониторинг натижаларига кўра давлат бошқаруви тизими, давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий-штат тузилмаларини ва ишлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг бир-бирини такрорловчи функцияларини, ортиқча ва хос бўлмаган вазифалар, функциялар ҳамда ваколатларни чиқариб ташлаш ҳисобига оптималлаштириш ва номарказлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан улар таркибидаги

алоҳида ташкилотларнинг (агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқалар) вазифа ва функциялари амалга оширилишининг самарадорлиги кўрсаткичларини (индикаторларини) баҳолайди;

маъмурий ислохотлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган янги ташаббусларни кўриб чиқади ва улар бўйича инобатга олиниши мажбурий бўлган хулосалар беради;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви самарадорлигини такомиллаштириш ва ошириш, жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва тегишли давлат органлари ва ташкилотларига киритади;

хўжалик бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат функцияларини ва алоҳида давлат ваколатларини бериш амалиётини ўрганади, шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

давлат бошқарувида ортиқча сарфлар даражасини пасайтириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш фаолиятининг самарадорлигини ва тизимининг очиқлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига бўлган маъмурий таъсирни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш бўйича чораларни кўради;

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифларни тайёрлайди, маъмурий ислохотни амалга ошириш жараёнида юридик қўмакни амалга оширади;

давлат бошқарувини такомиллаштириш, маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида тадқиқотлар ўтказилишини ташкиллаштиради;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида функцияларини нодавлат секторга, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифларни ишлаб чиқади ва уларнинг таклифлари бўйича хулосалар беради»;

6-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6) маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги фаолияти таҳлилини амалга оширади;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари томонидан маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан доимий мониторингни амалга оширади;

маъмурий тартиб-таомилларни унификациялаштиради;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда уларнинг мансаб-

дор шахсларини жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси таклифлар киритади;

маъмурий тартиб-таомиллар қонунчилиги нормаларини тизимлаштиради ва халқаро стандартлар талабларига ва энг яхши хорижий амалиётларга уйғунлаштиради;

маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқади»;

8-кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторларга етказиш кўламини кенгайтиради, бу борада тармоқ вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширади»;

16-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«адлия органлари ва муассасалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва давлат хизматларини рақамлаштириш орқали «виртуал адлия» тизими ишлашини таъминлайди»;

иккинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 18-кичик банд билан тўлдирилсин:

«18) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш соҳасида:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг замонавий ва самарали механизмларини жорий қилади;

халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида тузиладиган келишувлар билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

жамиятда янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқади;

электрон тижоратни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўради;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга ва энг яхши хорижий амалиётларга мувофиқлаштириш ишларини олиб боради;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган келишувларга риоя этишда вужудга келадиган тизимли муаммо ва камчиликларни таҳлил қилади ва уларни қонуний бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади»;

12-бандда:

қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норма ижодкорлиги соҳасида, маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида, шунингдек

ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ вазифалар ижро қилинмаган тақдирда уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш»;

5-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган:

давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида;

ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати фаолияти, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторинг-ни ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш»;

г) 2-иловада:

«Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази» ДУК» блоки «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси» блоки билан алмаштирилсин;

«Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК» блокидан «ДУК» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

«Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти» ДУК» блоки чиқариб ташлансин;

д) 3-илованинг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон қарори 2-бандида:

* Матн «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари —» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт ва тиббий таъминот шартларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосарига тенглаштирилади»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорига 1-иловадаги «Адлия вазири ўринбосари — директор» блоки «Директор» блоки билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида низом 4-бандининг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-даражали адлия маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги бошқарма бошлиқларининг ўринбосарларига, бошқармалар бўлимлари бошлиқларига; Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига; Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей директори; Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази директорининг ўринбосарига; Республика юристлар малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосарларига; Ҳуқуқий сиёсат тадқиқоти институти директори ўринбосарига; «Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси директори; «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази» директори».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги 609-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида низомнинг 19-бандидаги «адлия вазири ўринбосари —» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 741-сон «Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

8-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-банднинг «б» кичик банди «Адолат» сўзидан кейин «миллий» сўзи билан тўлдирилсин;

1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**204 Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар қўрилмоқда.

Жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудларни ихтисослаштириш тўғри йўл эканлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли, дастлабки боскичда республика бўйича 55 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Бироқ, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ҳудудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг:

республика ҳудудларини боскичма-боскич қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришга ихтисослаштириш;

республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларига ихтисослаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида эксперимент тариқасида 2020 — 2022 йиллар давомида Жиззах вилоятининг жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжаликларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштиришда 2020 — 2022 йиллар давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ;

Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Ишчи гуруҳ (Ў. Барноев):

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳудудларни ихтисослаштириш кўрсаткичлари ва «Йўл харитаси»да белгиланган топшириқларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда маълумот киритиб борсин;

б) туман ҳокимликлари ҳамда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудларнинг ер майдонлари ихтисослашувидан келиб чиқиб, ушбу ер майдонларини устувор равишда рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнини ҳамда инновацион ва ресурстежамкор технологияларни қўллашни ўз ичига олган агрокластерларни ташкил этувчи салоҳиятли ташаббускорлар, фермер хўжаликлари ва бошқа субъектларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлов асосида ажратиш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

ихтисослаштирилаётган ҳудудларда яхлитликка жиддий эътибор қаратган ҳолда тегишли қишлоқ хўжалиги экинларининг турларига қараб плантация шаклида экспортбоп экин турларини жойлаштириш ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланишини ва бажарилишини;

сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган Зомин туманидаги денгиз сатҳидан 1 — 1,5 минг метр баландликда бўлган Қорамозор ҳудудидан 20 гектар ер майдонини Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти балансига ўтказилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Зафаробод тумани Ф.Хўжаев массивида жойлашган 30-сон манзил колониясига қарашли 513 гектар самарасиз фойдаланиб келинаётган суғориладиган ер майдонини 2 400 бошли гўшт йўналишидаги чорва комплексини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш шарти

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан лойиҳа ташаббускорларига танлов асосида ажратиб бериш чораларини кўрсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекизоқовқат-холдинг» холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда Жиззах вилоятининг Зомин, Мирзачўл ҳамда Пахтакор туманларида, уларнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, транспорт ва инфратузилма объектлари ҳолати ва туташ туманларнинг маҳсулот етиштириш ҳажмларини инобатга олиб, йирик агрологистик марказларни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастурини тасдиқласин ҳамда бажарилишини таъминласин;

е) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, тижорат банклари ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йил давомида ташкил этиладиган инвестиция лойиҳалари бўйича, шунингдек, ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил учун ташкил этиладиган лойиҳаларнинг манзилли дастурини тасдиқласин ва ҳар чоракда бажарилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига батафсил маълумот киритиб борсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда 2020 йил III чорагида Жиззах вилоятининг Бахмал, Галлаорол, Зомин, Фориш, Янгиобод ва Ш. Рашидов туманларидаги янги ўзлаштириладиган лалми ер майдонларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун артезиан қудук қазиш ва ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида бурғилаш ишларини ташкил этсин;

з) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда манзилли дастурни молиялаштиришда тижорат банкларининг кредит маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

Бунда, тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағларни шакллантиришга кредитлар ажратишда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилсиз ҳамда барпо этилаётган қувватларни ташкил этиш даврига кредитнинг асосий қарзидан имтиёзли давр берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Барноев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда:

Республиканинг айрим ҳудудларини 2020 — 2030 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;

Республиканинг айрим ҳудудларини 2020 — 2030 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжаликларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;

Республиканинг айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштиришда 2020 — 2030 йиллар давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар 5-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари божхона божидан озод этилсин.

6. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

боғдорчилик хўжаликларида ташкил қилинадиган ҳар 35 гектар интенсив боғ ва тоқзорларга сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишлари учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия маблағларини ажратиш тартиби жорий этилганлиги инобатга олинсин;

сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишуви асосида сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

а) Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан бирга-ликда Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларида артезиан қудуқ қазиш ва ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 6 млрд сўм маблағлари эвазига 6 донга бурғилаш машинасини харид қилиб, Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига беғараз ажратиш ишларини амалга оширсин;

б) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Сабзавот, полиз

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда «2020 — 2023 йилларда мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳаларида амалга ошириладиган илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион илмий-техник лойиҳалар» дастурини шакллантирсин ва лойиҳаларни дастурда белгиланган муддатларда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур дастур доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этиладиган лойиҳаларни белгиланган тартибда молиялаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ихтисослаштирилган ҳудудларда ташкил этиладиган ҳар бир агрокластерга халқаро стандартларга (Global GAP, Organic, ISO 22000 ва бошқалар) мувофиқ хавфсизликни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ихтисослаштирилган ҳудудларнинг, биринчи навбатда Жиззах вилоятининг табиий газ ва электр энергияси таъминотини ўрганган ҳолда замонавий иссиқхоналар, интенсив боғ ҳамда токзорлар ташкил этилаётган ҳудудларни энергия ресурслари билан таъминлаш, шунингдек, қайта тикланувчи ва ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйган ташаббускорлар, фермер хўжаликлари ва бошқа субъектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 май,
ПҚ-4709-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 11 майдаги
ПҚ-4709-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4161-сон қарори 10-бандида:

учинчи хатбошидаги «насос станцияларини қуришга» сўзларидан кейин «ҳар 35 гектар учун» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишуви асосида сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгилансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарори 7-банди «б» кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «насос станциясини қуришга» сўзларидан кейин «ҳар 35 гектар учун» сўзлари билан тўлдирилсин.

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишуви асосида сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгилансин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**205 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида***

Яқин истиқболга мўлжалланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришда, ижтимоий соҳаларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини изчил ривожлантириш, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялаш масалаларида мутасадди идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, IT-технологиялар ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш, саноатнинг базавий тармоқларини, биринчи навбатда, геология, тоғ-кон, металлургия соҳаларини, нефть-газ ва ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантиришдаги ролини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

а) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ўринбосари лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Маҳалла, оила ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маданият, маънавият ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти;

Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти тугатилсин;

б) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи лавозимлари киритилсин;

в) қуйидагилар:

Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибияти IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта ташкил этилсин;

Саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари ко-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 майда эълон қилинган.

тибияти Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта ташкил этилсин;

г) Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти ташкил этилсин;

д) куйидагилар:

Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлимини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига юклансин ҳамда ушбу бўлим Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти таркибига киритилсин;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятини ҳамда Давлат тилини ривожлантириш департаментини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 241 нафар штат бирлигидан иборат бўлган янгиланган ижро этувчи тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлиги ва натижадорлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасида белгиланган асосий устувор вазифалар билан бирга:

а) Вазирлар Маҳкамасининг куйидаги йўналишлар бўйича фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш:

IT-технологиялар, «электрон ҳукумат»ни жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, телекоммуникациялар, илм-фан, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни ривожлантиришни таъминлаш;

саноатнинг базавий тармоқларини, шу жумладан геология, тоғ-кон ва металлургия соҳаларини, шунингдек, нефть-газ, ёқилғи ва атом энергетикаси саноатини жадал ва барқарор ривожлантириш;

машинасозлик, автомобиль, электротехника, тўқимачилик, заргарлик, кимё, кўмир, мудофаа саноати ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги йўналишларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш;

саноатда кооперация алоқаларини, саноат хавфсизлиги, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, тегишли давлат инспекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда давлат моддий захираларини мустаҳкамлаш;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) мазкур йўналишларда жадал ривожланиш ва натижаларга эришиш бўйича куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:

янги «ўсиш нуқта»ларини аниқлаш ва шу асосда қўшимча ресурс ва захираларни ишга солиш ҳамда мавжудларини ўзлаштириш, иқтисодиёт ва аҳолининг энергия манбалари ва хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжларини етарлича таъминлашга мўлжалланган ривожлантиришнинг стратегия ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг ҳар томонлама баҳоланиши ва экспертиза қилинишини ташкил этиш;

белгиланган лойиҳаларни амалга оширишнинг мақбул шартларини топиш мақсадида хорижий инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек, улар бўйича тегишли таклифлар киритиш ва қарорлар қабул қилиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва уларнинг раҳбарлари фаолияти натижаларини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни белгилаш вазифалари юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) куйидагиларни:

бир ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг тузилмаларини ва янгиланган штат жадвалини;

ўн беш кун муддатда — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг функционал вазифаларини;

бир ой муддатда — Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин;

б) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янгидан ташкил этилган таркибий бўлинмаларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4612-сон қарорининг 4-банди, шунингдек, қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 май,
ПҚ-4710-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**206 «Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган
фотоэлектрик станцияни қуриш» инвестиция лойи-
ҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қайта тикланадиган энергетикани жадал ривожлантиришни таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини диверсификациялаш, ушбу мақсадлар учун табиий газдан фойдаланишни камайтириш, шунингдек, электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Франция Республикаси-га расмий ташрифи давомида 2018 йил 5 октябрда «Total Eren SA» (Франция) компанияси (кейинги ўринларда — Инвестор) билан Самарқанд вилоятида умумий қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва ишлатиш (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) тўғрисида ҳамкорлик битими имзоланганлиги;

б) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасида Инвестор номидан иш юритадиган «Tutly Solar» масъулияти чекланган жамияти шаклида хорижий инвестиция иштирокидаги корхона (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) таъсис этилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2019 йил 13 сентябрда Самарқанд вилоятида умумий қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни (кейинги ўринларда —

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 майда эълон қилинган.

ФЭС) лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва 25 йил давомида ишлатиш билан боғлиқ Инвестор ва Лойиҳа компаниясининг мажбуриятларини назарда тутувчи Инвестиция битими (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) тузилганлиги;

г) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2019 йил 13 сентябрда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) тузилганлиги, унга мувофиқ;

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тимсолида ягона харидорга сотиш мажбуриятини олганлиги;

Лойиҳа компанияси ўзининг мажбуриятларини лозим даражада бажариши бўйича 8 миллион евро миқдоридаги биринчи даражали хорижий банк кафолатини тақдим қилиши;

Лойиҳа компанияси кучланишни оширувчи ФЭС подстанциясини қуриш ва фойдаланишга топширилгандан кейин уни «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга сотиш мажбуриятини олиши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши ва электр энергияси учун тўловни маҳаллий валютада амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ҳамда Лойиҳа компанияси ўртасидаги Инвестиция битими тасдиқлансин.

Белгилансинки, Инвестиция битими у имзоланган кундан эътиборан кучга кирази.

3. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасидаги Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.

4. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ:

Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ Лойиҳа компанияси билан Харидорнинг уланиш воситаларини бериш тўғрисида битим тузсин;

кучланишни оширувчи ФЭС подстанцияси фойдаланишга топширилиб, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида жалб этиладиган мустақил халқаро маслаҳатчи томонидан баҳоланганидан сўнг Лойиҳа компаниясининг тасдиқланган харажатларини ягона тўлов билан қоплаш мажбурияти билан уни Лойиҳа компаниясидан ўз мулкига қабул қилиб олсин;

ФЭС билан боғлиқ инфратузилмалар барпо этилишини таъминласин;

ФЭСда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг уч ойлик харидини қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган тикланадиган аккредитивни очсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Самарқанд вилояти

ҳокимлигига Лойиҳа компанияси ва инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар Лойиҳа компанияси томонидан бажарилмаган тақдирда Лойиҳа компаниясининг ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда қуйидаги мақсадлар учун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖни молиялаштириш манбаларини аниқласин:

ФЭС томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг уч ойлик харидини қоплаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган тикланадиган аккредитивни очиш;

ФЭС билан боғлиқ инфратузилмаларни барпо этиш, шу жумладан Инвестиция битими шартларига мувофиқ кучланишни оширувчи подстанцияни қуриш харажатларини қоплаш.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кредитлаш, хорижий валютадаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, бошқалардан ташқари хорижий валютада кредит маблағлари тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақларини очиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хорижий пудратчилар, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан тўғридан-тўғри амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, шунингдек, томонларнинг Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасидаги мажбуриятларни бажариши устидан доимий назорат ўрнатсин.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битимида белгиланган ер участкасини ажратиб берсин ва Инвестиция битими шартларига мувофиқ Лойиҳа компанияси билан ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартномани имзоласин.

10. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ–2343-сон қарорининг 5-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида сотиладиган электр энергияси ҳажмларига нисбатан татбиқ этилмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа ҳужжатларининг давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши (муддати узайтирилиши) ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаоляти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 май,
ПҚ-4712-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**207 Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Халқаро стандартларга, энергия самарадор ва экологик талабларга жавоб берадиган янги кон-металлургия комплексини замонавий ускуна ва технологияларни қўллаган ҳолда қуриш ҳамда «Ёшлик I» конини ўзлаштириш орқали «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги ««Ёшлик I» кони негизда «Олмалиқ КМК» АЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2807-сон қарорига мувофиқ «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «Олмалиқ КМК» АЖ) томонидан рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган «Ёшлик I» конини ўзлаштириш» инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) амалга оширилиши белгиланганлиги;

инвестиция лойиҳаси доирасида 3-сон Мис бойитиш фабрикасини (кейинги ўринларда — 3-МБФ), фабрикада маъданларни бойитиш жараёнида ҳосил бўладиган қолдиқларни сақлаш объектини, унинг инфратузилма ва санитар зоналарини (кейинги ўринларда — қолдиқларни сақлаш объекти), шунингдек, 3-МБФ сув ва ташқи электр таъминоти объектларини (кейинги ўринларда — инфратузилма объектлари) қуриш назарда тутилганлиги;

3-МБФ, қолдиқларни сақлаш объекти ва инфратузилма объектларини қуриш учун Тошкент вилоятида умумий майдони 3 768,8 гектарга тенг ҳудуд зарурлиги аниқланган бўлиб, шундан 1 616 гектари Тошкент вилояти ҳокимлигининг ва 25 гектари Пискент тумани ҳокимлигининг тегишли қарорлари билан ажратиб берилганлиги;

қолдиқларни сақлаш объектини қуриш учун Пискент туманида умумий майдони 1 415,8 гектар ҳамда инфратузилма объектларини қуриш учун Пискент ва Охангарон туманларида умумий майдони 712 гектарга тенг ҳудудлар ажратиб берилиши зарурлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги:**а) бир ой муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектлари ҳудудларининг аниқ чегараларини белгиласин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 майда эълон қилинган.

қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектлари ҳудудларида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иншоотлар, қурилмалар ва экинларни хатловдан ўтказсин;

б) «Олмалиқ КМК» АЖ билан биргаликда:

қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектларини қуриш доирасида олиниши режалаштирилаётган ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари билан очиқ мулоқот ўтказсин, шунингдек, фойда ва харажатларни баҳоласин;

ўтказилган хатлов ва очиқ мулоқот натижаларига кўра, қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектларини қуриш доирасида ер участкаларининг олиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни «Олмалиқ КМК» АЖ маблағлари ҳисобидан қоплаш ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин;

в) қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектларини қуриш доирасида ер участкаларининг олиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш масаласи ҳал этилгандан сўнг, ер участкаларининг келишилган тартибда олиниши ва «Олмалиқ КМК» АЖ саноат объектлари қурилиши учун ажратиб берилишини таъминласин.

3. «Олмалиқ КМК» АЖнинг қолдиқларни сақлаш объекти ҳамда инфратузилма объектларини қуриш доирасида:

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг кўрган зарарларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини;

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг кўрган зарарларини баҳолаш харажатларини;

ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши натижасида турар жойлари бузилиши назарда тутилган жисмоний шахсларнинг янги қурилаётган якка тартибдаги турар жой ва бошқа иншоотларини тегишли муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш харажатларини «Олмалиқ КМК» АЖ маблағлари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. «Олмалиқ КМК» АЖ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланишга олинадиган суғориладиган ерларни ўзлаштириш, шунингдек, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш учун талаб этиладиган компенсация тўловларидан, истисно тариқасида, озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа ҳужжатларининг давлат экологик экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилишини ва лойиҳани амалга ошириш доирасида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат назорати ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
ПҚ-4715-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**208 Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли
бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги янги лойиҳаларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш, томорқа ер эгаларига ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, шунингдек, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, томорқа ер участкалари самарадорлигини оширишни ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолигига бадал тўлаш учун ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилаларга субсидиялар ажратишни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига 50 млрд сўм миқдоридаги маблағлар ажратилди.

2. 2020 йил 20 майдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда субсидиялар ажратилади:

а) аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 майда эълон қилинган.

суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;

уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача;

б) қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача. Бунда:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда ташкил этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади.

3. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ субсидиялар ажратиш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун субсидия ва грантлар ажратиш тартибини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
ПҚ-4716-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 18 майдаги
ПҚ-4716-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарори 15-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг қўшимча йўналишлари деб ҳисоблансин:

а) қуйидаги миқдорларда субсидиялар бериш:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача;

суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;

уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача;

ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;

б) касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-хунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун грантлар ажратиш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги ПҚ-4227-сон қарори 3-банди «а» кичик бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарори 8-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан — ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миг-

рациясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун субсидиялар ажратишга рухсат берилсин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

209 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг иштирокида республикада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий ривожланишга илғор тажриба ва имтиёзли маблағларни кенг жалб қилиш ҳамда вазирлик ва идораларнинг халқаро молия институтлари билан алоқаларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
ПҚ-4717-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 18 майдаги
ПҚ-4717-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 25 мартдаги «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги ПҚ-1310-сон қарори 3-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3439-сон қарорида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасидан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги — халқаро молия институтлари (Халқаро валюта жамғармаси бундан мустасно) билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича ваколатли орган (бошқарувчи идораси);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки — Халқаро валюта жамғармаси билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича ваколатли орган (бошқарувчи идораси);

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков — Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Ислом тараққиёт банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров — Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро валюта жамғармаси билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ш.А. Вафаев — Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Жаҳон банки гуруҳи, Ислом тараққиёт банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов — Халқаро валюта жамғармаси билан марказлаштирилган ҳамкорлик бўйича бошқарувчи ўринбосари этиб белгилансин»;

5 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

7-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат

қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

210 Худудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисалар оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2021 йил 1 январгача бўлган муддатда иловадаги** рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатда кўп қаватли монолит уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган бетон қуйиш қолиплари, бетон тайёрлаш машина ва механизмлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

божхона тўловларини тўловчилар 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатда импорт қилинадиган, қурилиш соҳасида фойдаланиладиган машина ва механизмлар, технологик жиҳозлар, кичик механизация воситалари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлади;

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

импорт қилинадиган техника ва транспорт воситаларини сифат, истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши хавфи нуқтаи назаридан белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича ўтказиладиган синовлар устидан тегишли назоратни таъминлайди.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 май,
ПҚ-4718-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

211 «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан (кейинги ўринларда — Жамғарма) қўшимча равишда 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни қуйидаги ваколатли банкларга ажратиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

«Агробанк» АТБга — 40 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

АТ Халқ банкига — 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида;

«Микрокредитбанк» АТБга — 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга асосан қўшимча маблағларни ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4498-сон қарорида

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 майда эълон қилинган.

белгиланган тартиб ва шартларда Жамғарма ҳамда ваколатли банклар ўрта-сида тузилган кредит шартномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 май,
ПҚ-4720-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

212 Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида*

Эзгулик, саховат ва мурувват оyi бўлган муборак Рамазон оyi бу йил мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли уйда, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳотида муносиб ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ушбу улуғ айёмнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 24 май — якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2020 йил 24 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 майда эълон қилинган.

лиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 май,
ПҚ-4721-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

213 «Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида жабрланган фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани тиклаш чора-тадбирларини молиялаштириш тўғрисида*

Сирдарё вилоятида жойлашган «Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этишни зарур маблағлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг «Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ва инфратузилмани тиклаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қайтариб бермаслик асосида Давлат бюджетига 100 млн долл. эквивалентидаги маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ушбу маблағлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига талафот кўрган ҳудудларда сув тошқини оқибатида издан чиққан ирригация ва мелиорация объектларини тиклаш, шу жумладан коллекторлар, дренаж ва дренаж қудуқларини, мелиоратив насос станцияларини таъмирлаш ва тозалаш ишлари учун;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига талафот кўрган ҳудудларда йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари учун;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига талафот кўрган ҳудудларда тоза ичимлик суви ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун;

Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида уй-жойи бузилган ёки яшаб бўлмайдиган аҳволга келган оилаларга 2020-2021 йиллар давомида кўп қаватли уй-жойларни қуриш ҳамда қуриб битказилган ва сотилмаган кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларни эгалikka бериш учун;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида ижтимоий соҳа объектларини (мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблар, тиббиёт муассасалари ва бошқалар) қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда:

а) Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида:

уй-жойи бузилган ёки яшаб бўлмайдиган аҳволга келган оилалар учун 2020-2021 йиллар давомида кўп қаватли уй-жойлар қуриш параметрларини;

уй-жой массивларида зарур ижтимоий соҳа объектлари ва муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Мудофаа ва ҳуқуқ тартибот органларининг тадбирлари ҳамда уларга Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган жами 1,150 трлн сўм миқдоригача бўлган бюджет маблағларини мақбуллаштириш бўйича таклиф киритсин.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди «б» кичик бандига асосан мақбуллаштирилаётган маблағлар қуйидагиларга йўналтирилсин:

а) 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар ҳисобидан қуйидагиларга ажратилган маблағлар ўрнини қоплаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Сирдарё вилоятида жойлашган «Сардоба сув омбори» тўғонида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмай-

диган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф–5569-сон фармойишига асосан Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига ажратилган 100 млрд сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4581-сон қарорига асосан 2019 йил 1 декабрга қадар хусусий шериклар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари 25 фондан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун ажратилган 182 млрд сўм;

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 950-сон фармойишига асосан Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, бошқа мақсадларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкалари олиб қўйилиши ҳамда кўчмас мулк объектларининг бузилиши оқибатида етказилган зарар миқдори бўйича вужудга келган қарздорликни қоплаш учун Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Фаргона вилояти ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратилган 352,7 млрд сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» ПФ–5953-сон Фармони 9-бандига асосан янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига ажратилган 85,3 млрд сўм;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф–5567-сон фармойишига асосан Бухоро вилояти маҳаллий бюджетига 130 млрд сўм ажратиш (шу жумладан, олдин ажратилган 100 млрд сўм ўрнини қоплаш) учун;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4700-сон қарори 6-бандига мувофиқ ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадида туман бюджетларига ажратилган 300 млрд сўм.

4. Белгилансинки, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларига электр тармоқлари, табиий газ қувурлари ва алоқа тармоқларини тортиш ишлари тегишли «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбектелеком» АК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 май,
ПҚ-4722-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****214 Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисоб-
га қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган
ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3234*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 апрель,
2020-12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

215 «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакл-
ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги 136-сон «2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ва қурилиш хизматлари импорти таркибини баҳолаш билан боғлиқ статистик кўрсаткичларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 3193, 2019 йил 4 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.11.2019 й., 10/19/3193/3993-сон) иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ўзгартиришларнинг 3-банди 2020 йил 19 майдан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 апрель,
3-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**216** Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2718-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 15 сентябрдаги 65-н-сон буйруғи (рўйхат рақами 2718, 2015 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ «Uzbekistan Airways» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 май,
6-сон

Келишилган:

**«Uzbekistan Airways» АЖ
бошқарув раиси в. б.**

Б. ХАКИМОВ

2020 йил 1 май

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

217 «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги 85-сон «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи соҳасидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2041, 2009 йил 16 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 508-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 апрель,
147-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2020 йил
20 апрелдаги 147-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик
воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва
прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник
мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация
мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан
назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

номи ва 1-банддаги «ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари» деган сўзлар «, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Низомда:

номидаги «ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари» деган сўзлар «, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

мукаддимадаги «ҳамда қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг» деган сўзлар «, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблари тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1048, 2001 йил 11 июль) ўрнатилган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Объектлар (хоналар)нинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомда белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 11 майдан 22 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 апрелдаги 2020-12-сон «Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3234.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 24 апрелдаги 3-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193-1.

3. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 1 майдаги 6-сон «Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2718-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 20 апрелдаги 147-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-4.

